



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ  
ТАРИХ ВА ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ



# МИЛЛИЙ ВА ИЛМИЙ ТАРИХИМИЗНИ УЛУГЛАШ – ИСТИҚБОЛЛИ ВА УМИДЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОНЛАЙН

# КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
ТАРИХ ВА ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ**

**МИЛЛИЙ ВА ИЛМИЙ ТАРИХИМИЗНИ УЛУҒЛАШ –  
ИСТИҚБОЛЛИ ВА УМИДЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ  
АСОСИЙ ОМИЛИ**

**МАВЗУСИДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ  
2021-ЙИЛ 17-МАРТ**

**17 МАРТА 2021 ГОДА РЕСПУБЛИКАНСКАЯ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКАЯ ОНЛАЙН -КОНФЕРЕНЦИЯ НА ТЕМУ:  
ПРОСЛАВЛЕНИЕ НАЦИОНАЛЬНОЙ И НАУЧНОЙ  
ИСТОРИИ - КЛЮЧЕВОЙ ФАКТОР ПОДГОТОВКИ  
ПЕРСПЕКТИВНЫХ И НАДЁЖДЫХ КАДРОВ**

**REPUBLICAN SCIENTIFIC-PRACTICAL ONLINE  
CONFERENCE NAMED AFTER "HONORING OUR  
NATIONAL AND SCIENTIFIC HISTORY - A KEY FACTOR IN  
TRAINING PROMISING AND HOPEFUL PERSONNEL" ON  
MARCH 17, 2021**

# **БУХОРО МЕЬМОРИЙ ОБИДАЛАРИНИНГ ГЎЗАЛЛИК СИРЛАРИ**

Саломова Ҳакима Юсуповна  
Бухоро давлат университети “Ислом тарихи ва манбашунослиги. Фалсафа”  
кафедрасининг профессори, фалсафа фанлари доктори

Ўзбекистон меъморлигига икки хил тизими кузатилади: Биринчиси, синчкор бинолар ва тоқу равоқли бинолар. Синчкор архитектурада устун ва тўсинлар кенг қўлланилади. Тоқу равоқли архитектурада асосан ғиштин маҳобатли бинолар яратилган.

Бухоро меъморлари, мусавирлари, ҳаттотлари, зардўз ҳамда рассомлари ҳам ўлчов, меъёрга, миқдорий мутаносиблик ва шакллар, ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор беришган.

Бухоро меъморларининг XVI асрга оид сақланиб қолган турли бино лойиҳаларидан (мадраса, масжид, мақбара, минора ва б.) маълум бўлишича, дастлаб бино тарҳи майда бир хил катакчалардан иборат сатҳга чизилган. Шу усул орқали меъмор ўз мўлжалидаги бинонинг шаклу-шамойили кўламини ўзи истаганидек белгилаш имкониятига эга бўлган. Майда катаклар орқали бўлажак бино учун зарур қурилиш ашёси асосан чорси ғишт ва ганҷҳок жойлашиши ва саноғи-миқдори аниқланган.

Ўзбек меъморлари орасида газ ўлчови кенг қўлланилган. Оддий ўлчов тайёқча (чилик-газчўп) меъморнинг ҳамрохи бўлган.

Францияда 1791 йилда халқаро миқёсда янги узунлик ўлчови – “метр” – кашф этилди. Бу қашфиётга ўша пайтда тўқимачилик саноатининг гуркираб ривожланаётганлиги сабаб бўлди. Ҳозирги кунда биноларни лойиҳалашда 1 метр = 100 мм га teng ўлчам қабул қилинган.

Муҳандис – меъмор М. Азимовнинг Амир Темур ва темурийлар курдирган биноларнинг таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, улар ноёблиги жихатидан Қадимги Миср, Юнонистон ва Римда қурилган меъморчилик маданиятининг дурдоналари деб тан олинган Парфеон, Баалбек касрлари, Миср эхромларидан қолишимас экан ва ҳатто **ранг-баранг безаклари, накшларининг мутаносиб равища яхлит, тугал мажмуани ташкил этиши билан улардан ҳам устун турар экан.**

Тошкентда “Ҳазрати Имом” жоме масжиди ҳовлисида иккита минора қад кўтарди. Минора хоразмлик ва қўқонлик усталар томонидан 2007 йилда қурилди. Уларнинг ҳар бирининг баландлиги 52 метр, пастки қисмининг

диаметри 6,7 м, юқори қисмининг диаметри 4,5 м. Бу миноралар Бухородаги Минораи Калон усулида қурилган, фарқ диаметрининг кичикроқ қилиб олинганилигидан<sup>21</sup>. Хоразм ва қўқонлик усталар бизнинг давримизгача етиб келган тарихий ёдгорликларни лойиҳалаш ива ҳисоблашда Уста Бақо каби зукко меъмор – усталарнинг яратган услубларини чуқур ва аниқ ўргана олганликлари туфайли янги қурилган миноралар гўзаллиги ўз халқимизнигина эмас, бошқа мамлакатлардан ташриф буюрган сайёҳларни ҳам лол қолдирмоқда.

**Бухоро миниатюра мактаби вакилларидан Қози Аҳмад ибн Муншийнинг “Гулистони хунар”, Мустафа Дафтарийнинг “Ҳолоти хунарварон”, “Хунарнома”, Монийнинг “Аржанчи Моний” асарлари мусаввирлик талаблари, ҳаттот ва рассомларга қўлланма вазифасини ўтаган. Улар анатомия, табиатшунослик, ўсимликлар ҳақидаги чуқур илмларни билишган.**

**Айниқса Монийнинг “Аржанчи Моний” номли асарида ҳар бир мусаввир билиши шарт бўлган қимматли қоидалар ўз ифодасини топган:** “...Инсоннинг тирсаги қоматнинг тўртдан бирига тўғри келади. Шунингдек, одамнинг пешина сочидан то ияигача қоматнинг ўндан бирига teng. Одам юзи уч қисмга баб-баробар бўлинади:

1. Иякнинг бошланишидан буруннинг бошланишигача;
2. Буруннинг бошланишидан қошнинг бошланишигача;
3. Қошнинг бошланишидан пешона сочига қадар.

Бошмалдоқнинг катта бўғини – одам оғзининг баландлиги билан teng. Оғиз очилгандаги ҳолат – ўша бошмалдоқнинг бўғини билан билан баробар. Кўрсаткич бармоқнинг катта бўғини – пешона кенглиги билан баробар. У қошдан пешона сочига қадар бўлади. Кўрсаткич бармоқнинг тирногигача буруннинг ҳақиқий узунлиги ҳисобланади. Ўрта бармоқнинг узунлиги – соқолнинг бошланишидан бурун учигача бўлган масофага teng. Одам қўл кафтининг кенглиги – юзининг кенглиги билан баробар. Пешонанинг кенглиги – бурун узунлигига teng. Инсон қоматининг узунлиги – қулоchlари узунлигига teng. Бир қўлнинг кучоқлаши – кишининг ярим қоматига teng.<sup>22</sup>

Ҳали антропометрия фани вужудга келмасиданоқ, Бухоро миниатюра мактабининг илгор вакиллари бу борада анча илгарилаб кетганини англаш унчалик қийин эмас.

Кўлёзма китобни яратишда бир қанча мутахассислар – ҳаттот, заҳҳоб (олтин ҳол берувчи), лаввоҳ (сарлавҳа ва жадвалларни безовчи),

<sup>21</sup> Ҳазрати Имом мажмуаси. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 11-том.Т., 2006. 269-270 б.

<sup>22</sup> Абдулғафур Бухорий. Бухоронинг бетакрор бойлиги://Тафаккур. 2009. № 1. 124-125 бетлар

пош (тилла сувини юлдузсимон шаклда сочувчи), наққош, мусаввир ва сахҳоб (муқовасоз) каби тасвирий санъат вакиллари иштирок этишган...<sup>23</sup>.

Шуни таъкидлаш жоизки, шарқона услуг бошқа услуглардан тубдан фарқ қиласди. Масалан, Шарқ тасвирий санъатида киши қоматининг узунлиги оёқ кафти баробарида ўлчанса, Ғарбда аксинча – бош асосида ўлчанганд.

Жуда қадимданоқ архитектурадаги пропорция тизими аниқ бўлган. Витрувий антик давр ибодатхоналари қурилишидаги, яшаш жой бинолари, театр ва ҳатто молхона, ҳайвонлар сақланадиган иншоотлардаги миқдорларнинг пропорционал мунособатига дикқат эътибор берган. Ҳақиқатдан ҳам модулор - бу пропорционал катталиклар тизимиdir. Биз оддийликдан мураккабликка томон: яъни оддий ўлчовдан, миқдорга сўнг икки ундан ортиқ миқдорларнинг мутаносиблигига, пропорция, симметрия, олтин кесим, олтин мутаносиблик ва энг охири модулор - геометриянинг архитектурада қўлланилишини осонлаштирадиган ўлчовлар тизими, пропорциялар ягоналигини меъморий обидаларда мужассамлашганлигини кўрдик.

Шарқ обадаларидаги мустаҳкамлик, зилзилабардошлилик, гўзаллик сири ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, ўрганилган илмий адабиётлар таҳлили жуда ажойиб бир хulosага олиб келди. Барча – барча обидалар, қадимий бинолар, гўзал ва бетакрор мадраса, миноралар қурилиши асосида борлиқнинг олтин қонуни бўлган – меъёр тураркан. Дикқат қилинг, меъёр қурилиш мағзи - ядросини ташкил этар экан, у гоҳида симметрия, гоҳида мутаносиблик, гоҳида хос миқдор, қатъий миқдор, гоҳида эса миқдорий мутаносиблик, гоҳида аниқ миқдор, гоҳида аниқ сифат, гоҳида қарама-қарши миқдорлар мутаносиблиги кўринишларида намоён бўлар экан.

Бу масалага оид Ўрта Осиёлик олимлар ал-Хоразмий “Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисобидан қисқача китоб” асарида, Жамшид Ғиёсиддин ибн Маъсуд ал-Коший “Мифтах ал-ҳисаб” (“Арифметика калити” 1427 йил) асарининг тўртинчи китобида “Ўлчашлар (“Меъморчилик ва бунга алоқадор геометрик маълумот””), Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Қиндий (801-866 йил) “Уйғунлик ҳақида катта китоб” асарларида “миқдор”, “меъёр” тушунчалари мукаммал ўрганилган, аммо янада кўпроқ изланиш, ўрганишни тақозо этади.

Жамшид Ғиёсиддин ибн Маъсуд ал-Коший “Рисола ал-муҳития” китобида гумбазларнинг геометрик кўриниши, минораларнинг юқорига қараб қисқарип борувчи зинапоялари – коноидалар ва уларнинг ёйилмаси ҳамда

<sup>23</sup> Абдулғафур Бухорий. Бухоронинг бетакрор бойлиги://Тафаккур. 2009. № 1. 124-125 бетлар.

“олтин кесим” ва кесмани бошқа уйғун бўлак ва нисбатларга қандай бўлиш усулларини кўрсатган.

Ўрта Осиёдаги қадимий обидалар гўё ўқилмаган китоб, ҳандаса, риёзиёт, фалакиёт ва фалсафа илмларининг “тирик Қомуслари”дир. Буларда ўқилмаган қирралар ниҳоятда қўп, масалан, уларга ишлатилган буёқлар, қоришмалар таркиби, ғишт пишириш усуллари, безакларни сирлаш жараёни, бино деворларини тиклаш, зилзилага бардошлигини таъминлаган сирлари, ўлчов бирликлари, бурчак ўлчаш усуллари, ғиштлар нақш бериш усуллари, бино ички хоналари безаклари ва уларнинг ўлчамларини аниқлаш – булар ҳаммаси катта бир фан илмидир.

1. Гўзалликка интилиш инсоннинг доимий ижтимоий -ҳаётий эҳтиёжидир. Бу эҳтиёж тарбия ва илм воситасидагина шаклланади. Гўзаллик куршовида яшаган инсон билан унинг акси бўлган муҳитда ўсган инсон ўртасида катта фарқ бор. Гўзаллик ҳамиша фойдали – у аввало инсонга, жамиятга, тараққиётга маънавий фойда келтиради. “Гўзаллик қонунлари бўйича” ижлд қилишда инсон нарсаларни – ўз меъёр мезонида ва зарурият талаби билан яратади. Бу яратиш қобилияти меъёрларга амал қилишда намоён бўлади, гўзаллик юзага келади.

Инсоният гўзалликка интилгани учун ҳам ўзидан гўзал ва умрбоқий обидалар, ажойиб асарлар қолдиришга интилган.

Архитектурада меъёр архитектура ордерлари, ислом архитектурасида эса гириҳ, муқарнаслар, мунаққаш нақшлар тушунчалари орқали ҳам ифодаланади. Ислом архитектурасининг ўзига хослиги шундаки, безакли гириҳ ва ислимий деворий гириҳ нақшлар пайдо бўлди.

Меъморий безакларда ҳандасавий гириҳ ва ислимий гириҳ билан бирга Қуръон оятлари ва ҳадислар арабча сулс ва наҳс ёзувларида мунаққаш нақшларга айлана бошланди. Аниқроқ қилиб айтганимизда, мунаққаш нақшлар - ҳандасавий ва ислимиҳ гириҳларни диалектик инкор этди.

Моҳир кошинкорий наққошлар ҳаттотлик санъатининг энг нодир намуналарини меъморий обидалар деворига кўчира бошладилар. Бунинг натижасида эса меъморий нақшинкорликда маҳобатли мавзули ранг тасвир ўрнига орнаментал ва эпиграфик йўналиш вужудга келди.

Фаннинг гўзаллиги уни ўрганишда, билишда ва айниқса, ижод қилишда намоён бўлса, математиканинг гўзаллиги унинг амалий татбиқидадир. Математика – маънавий улуғворликнинг кенг дунёсидир. Гўзаллик – математика, геометриянинг асосий характерли хусусиятларидан биридир.

Меъморчилик жамиятнинг амалий-фойдали, ижтимоий-сиёсий, моддий, диний ва бошқа эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

2. Ал-Коший фақат архитектурадаги қатъий меъёрнигина эмас, балки меъёрлар узвий тизимини ҳам кўрсатди. Муайян бир сон билан бошқа бир соннинг сифат жиҳатдан боғлиқлиги; ҳамда уларнинг узвий тизимини -(модулор)ни кўрсата олди.

3. Архитектура ва қурилиш, тарих факультети талабалари Кошийнинг “Арифметика калити” асарини ўзлаштиришлари лозим.

4. Ўрта Осиёда энг қўп қурилган архитектура иншоотлари орасида ўқув масканларининг жуда кўплиги бошқа мамлакатлар қурилишидан ажralиб турувчи энг асосий ўзига хосликдир. Биргина Бухоронинг ўзида Арслон Бурғоҳон ҳукмронлиги даврида 318та мадраса бўлган. Бу мадрасаларда эса 12 000 та талаба таҳсил олишган. Бухоро – илмлар, билимлар макони;

5. Обидалардаги ёзувлар, расмлар жуда сермъяно. Диққат қилинг, кўпгина Шарқ обидалар пештоқида арслон, кийик расмлари бўлса, мадрасалар пастки жойига асалари уясидаги олтибурчакли геометрик шакл берилган.

Хўш, буларнинг маъноси нима?

Кийик илм, кийик овловчи овчи эса илмга интилувчи илми толиб, шер рамзи - илмни сипқорган кучли, ақлли инсон; яна бир донишманд эътироф этишича, шер иймон, диёнат рамзи. Асал ари уясининг рамзий маъноси учбурчак, тўртбурчакка ва ҳатто айлана шаклига олтибурчакли уядаги каби қўп асал сиғмайди. Бинодаги бу расмда асал энг қўп сиғадиган олтибурчак; илм, айнан энг қўп олинадиган илм қўзда тутилмоқда. Ахли толиб мадрасага кирдими, албатта диний ва дунёвий илмлардан кўпроқ олиши, ўзини қалбини илмга тўйинтиришига ишора қилинмоқда.

Обидалардаги ёзувлар ҳам бино пештоқи ва девордаги чизмаларнинг мантиқий давоми сифатида тажжалли этиши, ажralиб турувчи хос хусусиятнинг биридир. Бунга далил сифатида Бухоро ва Ғиждувонда Мирзо Улуғбек томонидан қурилган мадрасалар ёрқин мисол бўла олади.

Меъмор Исмоил ибн Тохир ибн Махмуд Исфаҳоний Мирзо Улуғбек буютраси билан 1417-1419 йилда Бухорода мадраса қурган. Мадрасанинг ёғоч дарвозасига: “**Талабул илми фаризатун ало қулли муслимин ва муслимотин**”, яъни “**Илм олишга интилмоқ ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир**” деган иборани ёздирган. Улуғбекка эҳтироми баланд бўлган бошқа ибр ёш уста дарвозанинг темир ҳалқасига ҳукмдор Мирзо Улуҳбек руҳига хос: “**Илм дурдоналаридан баҳраманд бўлган одамларга Оллоҳ таоло раҳмат эшигини очгай**” деган сўзларни ёзиб қўйган. Бу ёзувлар шундан далолат берадики, исломнинг ҳақиқий ақидасига кўра илмли инсон улуғланади, илмга интилиш хотин-қизлар учун фарздир, илмли инсонларни улуғлаш, эъзозлаш уларни илм олишлари учун шароит яратиб бериш лозим, деб ҳисобланади. Маълумотларга қараганда 1419 йилда битказилган

Бухородаги Мадрасада (хозирги кунда бу мадраса Улугбек мадрасаси деб юритилади – (С.Х.,Т.А.) Улугбек тўхталиб, талабаларга ва мадрасада ишлайдиган фидойи устозларга ҳар ҳафтада бериладиган маошдан ташқари мукофот тарқатган. 80 хонада истиқомат қилиб таҳсил олаётган талабалар оарсидаги энг зукко қобилиятли ва ниоятда фанларни кучли ўзлаштирганлари ҳар йили **312 тилло танга** билан тақдирланган.<sup>24</sup> Демак, Улугбек илм масканларидағи илмий ходимларни ҳам, талабаларни ҳам иқтисодий-ижтимоий шароитларини яхшилашга интилган. Улугбек ўзининг “Зижди жадиди Кўрагоний” асарида:

**“Биз дунёни билиш, унинг сирларини очиш, уларни кишиларга хизмат қилдириш учун яшамоқдамиз”<sup>25</sup>**

деб ёзган.

Абдуллахон “Бухоронинг ташқи қалъасида, шаҳарнинг ғарб тарафида, Хиёбон кўчасида ул ҳазрат қурган Хон ҳамоми қаршисида 974 йилда ( 1566-1567 йиллар – С.Х.,Т.А. ) тоқилари баланд, гумбазлари юқори ва икки қаватли кўп ҳужралардан иборат олий мадраса қуришни буюрди. Унинг асосини ниҳоятда мустаҳкам қилдилар.<sup>26</sup> Бу мадраса – Абдуллахон мадрасаси – деб келинади.

Абдуллахон қурдирган мадраса пештоқига Қуръон оятларидан бири **“Билимдонлар билан нодонлар тенг бўладими?!”** (Қуръон, 39-сурा, 9-оят) ҳамда **“Илм шундай нарсаки, унга бутун умрингни бахшида қилмагуанингча, сенга ўзининг бир қисмини ҳам бермайди”** ҳадиси нақш билан битилган.

Илм олишда жинсий чекланишлар бўлиши мумкин эмас. Бухорода қизлар хонадонига совчиликка борилганда, уй ичи токчаларига диққат қилишиб, китоблар орасидан Румий асарлари изланган, мабодо хонадонда Румий асарлари бўлмаса, ундей хонадондан келин олишмасликка эътибор берилган.

6. Ўрта Осиё меъморий обидаларида симметрия, пропорционаллик, олтин мутаносиблиқ, олтин кесимлар ишлатилган. Қадимги тарихий обидаларни яратган усталар конструкцияларни ҳисоблашда ҳозирги кунда қўлланиладиган механикага доир кучлар мувозанати формулаларини билмасалар ҳам, кўп йиллик тажрибаларига асосланган ҳолда бино ва иншоотларнинг ўлчамларини ва улар орасидаги мавжуд бўлган мутаносибликни – “Олтин кесим”- меъёрни қандай аниқлашни жуда яхши

<sup>24</sup> Ханыков Н. Описание Бухарского ханства. СП.6.1843.с.86.

<sup>25</sup> Мирзо Улугбек. “Зижди жадиди Кўрагоний”.В.36 а.

<sup>26</sup> Ҳофиз Таниш ал – Бухорий. Абдулланома. Т.: Шарқ. 1999. 180 – бет.

билишган. Улар қуриладиган бино ва иншоот ўлчамларини маълум бир геометрик шаклга келтириб олиб, уни математик усул ёрдамида ҳисоблашни мукаммал билишган. Усталар қуриладиган ҳар бир бино ўлчамини аниқлашда маълум ўлчов бирлиги – модулдан фойдаланишган.

**Модулор** – аниқ, хос (максус), уйғун миқдорлар ягоналиги, бир бутунлигидир.

**Модулор** - мутаносиб миқдорлар тизими.

**Модулор** – геометриянинг архитектурада қўлланилишини осонлаштирадиган ўлчовлар тизими.

**Модулор** – мутаносиб катталиклардан, зарурий миқдорлардан дунёга келган, қатор-қатор олтин кесим, Фибоначчи рақамларини ўзида мужассамлаштирган миқдорларнинг яхлит уйғунлиги ҳамда ягоналиги ифодаси. Модулор уйдирма эмас, у улуғ мутаносибликлар тизими бўлиб, Корбюзье уларни яхлит, ягона - бир бутун қилиб бирлаштирди, қурилишларда қўллади. Шундай қилиб, инсон танасида мавжуд бўлган пропорция муносабатлари инсон учун қурилган бино ўлчамларида ҳам мавжуд экан. Қадимги даврда қурилган бино ўлчамлари учун мутаносиблиқ, миқдор – меъёр мавжуд, шунинг учун бу бинолар мукаммал, мустаҳкам ва гўзалдир.

Кейинги беш-ўн йилларнинг ўзидаёқ Ўзбекистоннинг ҳар бир шаҳар, ҳар бир қишлоқларида катта-катта иншоотлар, қурилишлар, гўзал фавворалар, айниқса жуда-жуда чиройли иморатлар қад кўтарди. Чиройли ва сўлим боғлар, сайдлоҳлар, спорт мажмуалари барпо этилди. Минглаб ариқлар тозаланди. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқ ўзгача чирой очди ва очмоқда. Шаҳарлар шунчаки инсонлар яшайдиган жой эмас, шаҳарсозликда ҳам, атроф-муҳит табиати, ўсимлик ва ҳайвонот олами билан уйғунлик; қуёш зарраларининг тушиш даражалари, намлиқ, дарё ёхуд денгизларга яқинлиги-йироқлиги, иқлим, инсонлар феъл-атвори, соғломлиги, ёши барча-барчаси ҳисобга олиниши шарт.